

БИЗНЕС - РЕЖА
"ТАХИАТОШ ДОН МАХСУЛОТЛАРИ" АЖ
2021-ЙИЛ

Юқари турувчи ташкилот номи

«Уздонмахсулот» АК

Почта адреси
адрес электрон почта

Республика Қароқалпоғистан Республикаси, Тахياتош тумани
Амударья кучаси №5 уй; taxiatosh-don@inbox.uz

ИНН коди

201366496



[Handwritten signature]

Ж. Утегуретов

Э. Апырова

РЕЗЮМЕ

«Бизнес-режа» жамиятнинг ривожланиш стратегиясини белгилаб берадиган асосий ҳужжатдир. У жамиятнинг иш жараёнини тасвирлаб, бошқарувнинг режалаштирилган мақсадларига қай тариқа эришишларини, аввало мулжалланган тадбирларни даромадлигини амалга ошириш мумкинлигини курсатиб беради. Яхши ишлаб чиқилган бизнес-режа корхонани таракқиётга эришишга, бозорда мавқеъларни қулга киритишга, уз таркатиётнинг истикболларини белгилаб олишга, янги махсулотлар ишлаб чиқариш ва янги хизмат турларини яратишга ҳамда белгиланган режа тадбирларини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқ усулларини танлаб олишга ёрдам беради.

Узбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тугрисида»ги 2015 йил 24-апрелдаги ПФ-4720-сонли фармони, ҳамда Узбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28-апрелдаги «Иктисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва ахамиятини ошириш чора-тадбирлари тугрисида»ги ПК-2340-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳозирги куннинг тез ва сифатли юқори савияда бажариш лозим булган ута муҳим вазифалари ҳисобланади. Тугридан-тугри хорижий инвестицияларини кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан узгартириш, булажак инвесторлар учун уларнинг очиклиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, жамиятни стратегик бошқаришда акциядорлар ролин кучайтириш ва уларга қулай шароитлар яратиш мақсадга мувофиқдир.

Халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

чет эл капитал иштирокида жамият бошқарувини ташкил этиш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун шароитлар яратиш;

эски булимлар ва лавозимларини тугатиш, замонавий халқаро стандартлар ва бозор иктисодиёти талабларига мос янги булим ва лавозимларни жорий этишнинг инобатга олган ҳолда жамият бошқариш тузилмасини қайта ташкил этиш;

жамиятни стратегик бошқариш, бошқарув ходимларнинг самарали фаолиятини назорат қилишни таъминлашда акциядорлар, жумладан, миноритар акциядорлар ролин ошириш;

бошқарув ходимларни тайёрлаш, уларнинг касб даражасини ошириш, шунингдек раҳбарлик лавозимларига чет эллик юқори малакали менеджерларни жалб қилиш ҳозирги куннинг ута муҳим вазифаси ҳисобланади. Шунга асосан жамиятда Президентимиз фармони ва қарори ижросини таъминлаш буйича бир мунча ишлар амалга оширилди, жумладан Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари йиғилиши утказилиб, 2015 йил 11 май кунда навбатдан ташқари умумий йиғилиш утказиш тугрисида қарори қабул қилинди. 2015 йилнинг 11-май кун жамиятнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида Президентимиз фармони ва қарори талаблари акциядорларнинг умумий йиғилишида ижросини таъминлаш бир овоздан қабул қилинди. Жамият бошқарувининг 37 - П сонли буйруги чиқарилиб, ишчи гуруҳи ташкил этилди. Шунингдек, жамиятнинг

ташкилий схемаси кайтадан тузилди, унда миноритар акциядорлар кумитаси, кузатув кенгаши, тафтиши комиссияси, ички аудит хизмати, бошқарув раиси ва унга туғридан-туғри буйсунадиган ишлаб чиқариш ва молиявий масалалар буйича директорлар ва уларга буйсунувчи 24 та булим ва хизматлар бириктирилди. Хар бир булим ва хизмат турлари буйича Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 июндаги «Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг янгиланган классификаторларни тасдиқлаш тугрисида»ги 164-сонли қарорига мувофиқлаштирилган ҳолда ходимларнинг лавозим йуриқномалари ишлаб чиқилди.

Жамиятнинг 2020-2021 йиллар мобайнида мулжалланган Молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Унда долзарб вазифалар, унинг бажарилишини таъминловчи масъул ходимлар бириктирилди. Молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари муддатлари, вазифаларнинг бажарилишини таъминлашдан олинadиган самара куйидагича;

| Амалга ошириладиган чоралар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Бажарилган ишлар |
|--|---|-----------------|--|--|
| I. Корхонанинг штат бирликларини оптималлаштириш. | | | | |
| Корхонанинг штатлар жадвалини мақбуллаштириш. | <p>Штат жадвалини мақбуллаштириш учун “Ишчи гуруҳ” ташкил этиш. “Ишчи гуруҳ” томонидан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари йилига, Тигирмон: Бугдой 75000 тн шундан ун маҳсулоти 56100 тн. Омукта-ем таерлаш цехи 50100 тн уларнинг жойлашувидан, технологик жиҳозланганлигидан келиб чиқиб, амалдаги ишлаб чиқариш қувватига нисбатан барча иш уринларини қайта қуриб чиқиш; - ҳар бир ишчи ва ходимларнинг жумладан, мавсумий 132 ишчиларнинг иш фаолиятига индивидуал ёндашган ҳолда уларнинг амалдаги вазифаларини урганиб чиқиш ва ҳулоса бериш; - бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ва маъмурий-бошқарув ходимларнинг иш самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг сонини ҳужалик юритишнинг бозор усуллари шартларидан келиб чиқиб мувофиқлаштириш; - соҳада куп йиллик иш стажига эга булгантажрибали ва малакали ходимлардан моддий-жавобгар шахсларни тайинлаш; - таҳлил натижалари асосида кенгайтириб юборилган, ортикча, бир-бирига ухшаш тузилмаларни тугатиш, бирлаштириш, қайта ташкил этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиб, штатлар жадвалини мақбуллаштириш ва Кузатув кенгаши аъзолари билан | 10 кун муддатда | Кузатув кенгаши, корхона раҳбари, Ишлаб чиқариш буйича директор, ходимлар булими бошлиги, ҳуқуқшунос | <p>Штат жадвалини мақбуллаштириш учун “Ишчи гуруҳ” ташкил этилган. Буйруқ №42-п 16.07.2020 йил.</p> <p>корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлар ийилига, Тигирмон: Бугдой 75000тн ундан ун маҳсулоти 56100 тн. Омукта-ем таерлаш цехи 50100тн ларнинг жойлашувидан, технологик жиҳозланганлигидан келиб чиқиб, барча иш уринлари қайта қуриб чиқилди.</p> <p>-Мавсумий 132 та ишчиларнинг иш фаолияти қайта</p> |

| Амалга ошириладиган чоралар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Бажарилган ишлар |
|-----------------------------|-------------------------|--------------|------------------|--|
| | келишиш. | | | куриб чикилиб 60та ички билан меҳнат шартномаси бекор килинди. |

II. Корхонани молиявий соғломлаштириш.

| | | | | |
|---|---|--------|--|--|
| Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннариhini камайтириш. | <p>Эҳтиёт қисмларни сотиб олиш буйича корхона комиссияси ташкил этилган.Цехларнинг талабномасига кура ута зарур ҳолларда комиссия хулосасига асосан эҳтиёт қисмларни сотиб олишни янада такомиллаштириш, муваффақлаштириш ва захира фондларини яратиш <i>(куп талаб этиладиган эҳтиёт қисмлар захирасини 10%гача белгилаш)</i>.</p> <p>Хизматлар курсатиш, асосий воситалар ва товар моддий қийматликлар, бутловчи қисмларни Ўзбекистон Республикасининг“Харидлар тугрисида”ги қонуни талабларидан <i>(товар хом ашё биржаси, электрон дукон, аукцион, танлов, тендер орқали в.х.э)</i>келиб чиқиб харид қилиш ва жабовгар шахларни буйрук асосида тайинлаш.</p> | Доимий | Корхона раҳбари, Ишлаб чиқариш буйича директор, Иқтисод буйича директор, бош механик, бош энергетик, бош хисобчи | <p>Эҳтиёт қисмларни сотиб олиш буйича махсус комиссия ташкил этилган Буйрук №72п 16.10.2019-йил. -Эҳтиёт қисмлар талабнома ва хулосалар асосида жами 427,5 млн сумга харид қилинган. Шундан: товар хом ашё биржасидан 185,4 млн сум, танлов ва тендер орқали 242,1 млн сум.</p> |
| Тизим корхоналарида дебитор ва кредитор қарздорликни қисқартириш. | <p>Маҳсулотларни олдиндан 100 фоиз туловлар амалга оширилгандан сунг сотилишини таъминлаш.</p> <p>Тизимдаги корхоналарда мавжуд 263,1 млн сум дебитор ва 2166,4 млн сум кредитор қарздорликларни уз вақтида схема-маршрут ҳужжатларига асосан қисқартириш</p> <p>Тизимдан ташқари корхоналаридаги дебитор қарзларни иқтисодий судлар ва МИБ орқали ундиришни ташкил этиш.</p> <p>2020-йил ҳосили учун етказиб берилган уруглик қийматини 7490,3 млн сум ва утган йиллардан қопланмай қолган 267,2 млн сум бунақларни топширилган дон қиймати ҳисобидан 7757,5 млн сумни тулик ушлаб қолинишини таъминлаш.</p> <p>Буюртмачилар ва мол етказиб берувчилардан 1164,3 млн сум кредитор қарздорликлар ҳамда 167,5 млн сум бюджет ва мақсадли жамғармалардан мавжуд булган қарздорликларни кескин қисқартириш чораларини куриш.</p> | Доимий | Корхона раҳбари, Иқтисод буйича директор, бош хисобчи, ҳуқуқшунос | <p>Маҳсулотлар олдиндан 100 фоиз туловлар амалга оширилгандан сунг сотилади</p> <p>Тизимдаги корхоналарда мавжуд 263,1 млн сум дебитордан 141,0млн қисқартирилди ва ҳозирги кунга 122,0 млн мавжуд. 2166,4 млн сум кредитор қарздорликларда н 743,0млн сумга қисқартирилди ва бугдой ташиш мавсумида</p> |

| Амалга ошириладиган чоралар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Бажарилган ишлар |
|---|--|--------------|---|--|
| | | | | 480млн кариздорлик фойда булиб хозирги вақтта 1903,4млн сум мавжуд. 167,5 млн сум бюджет ва мақсадли жамғармалардан мавжуд булган қарздорликларни кескин қисқартириш чораларини қурилган булиб уз вақтида туланиб келмоқда. |
| 3 Корхонада пул маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш. | Тизим корхоналарининг ҳисоб рақамларга тушадиган пул маблағлари ҳаракатини мониторинг қилиб бориш <i>(Биринчи навбатда тушган маблағлар ҳисобидан Жамгармадан булган қарздорликларни ва банк кредитларни сундиришга қаратилиш).</i> | Доимий | Иқтисод буйича директор, бош ҳисобчи | Ҳисоб рақамларига келиб тушган пуллар Жамгарма, банк ва АК Уз дон маҳсулоти томонидан белгиланган тартиб буйича тақсимланиб туланиб келмоқда. |
| 4 Маъмурий харажатларини қисқартириш. | Бошқарув аппаратига хизмат курсатиш харажатларини оптималлаштириш ва тасдиқланган бизнес режадан 5%гача қисқартириш. <i>(хизмат сафари, транспорт, телефон, интернет, иш юритиш буюмлари ва бошқа харажатлар).</i> | Доимий | Иқтисод буйича директор, бош ҳисобчи | Харажатлар 5-7%га қисқартирилди. |
| 5 Айланма маблағлар харажатларини камайтириш. | Жамият томонидан курсатилаётган хайрия ва хомийлик курсатиш харажатларини 20 минг сумга қисқартириш. Солиқ ва бюджетдан ташқари мажбурий туловларни уз вақтида тулаш ҳисобига жамиятга қулланиладиган жарималарни камайтириш. Компенсация ва рағбатлантириш туловларини корхона молиявий ҳолатига, олинган соф фойда даражасига боғлиқ қилиб белгилаш Ижтимоий объектларни ва уй-жойларни сақлаш харажатларини қисқартириш. | Доимий | Корхона раҳбари, Иқтисод буйича директор, бош ҳисобчи | Жамият томонидан хайрия ва хомийлик курсатиш учун Сардовага 10 тн гуруч 55,5 млн сумга берилди ва шу кунга қадар 22,5 млн сум жами 78,5 млн сум туланди. Солиқ ва бюджетдан ташқари |

| Амалга ошириладиган чоралар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Бажарилган ишлар |
|--|--|--------------|--|---|
| | | | | мажбурий туловлар уз вақтида туланиб жарималар мавжуд эмас. |
| Тизим корхоналарида дебитор ва кредитор қарздорликни қисқартириш ва дон маҳсулотларидан булган камомад пулларини ундириш | Корхонада бевосита муддати утган 203 млн сум дебитор қарздорликлар ва дон маҳсулотларидан булган камомад (етказилган зарар) пулларини ундириш ишлари билан шугулланувчи алоҳида ишчи гуруҳ ташкил этиш. | Доимий | Иқтисод буйича директор, бош ҳисобчи, ҳуқуқшунос | Муддати утган қарздорлик ҳозирги кунга мавжуд эмас. Камомад йук. |
| Юридик хизмат булимида ҳисобот юритиш ишларини ташкил этиш. | Ҳар ойда тизим корхоналари юристлари ҳар бир қарздорлик юзасидан ижро иши буйича амалга оширган ишлари тугрисида ҳисобот топширишларини ташкил этиш. Ойнинг охирида бажарилган ишлар буйича езма равишда раҳбариятга ҳисобат бериш. | Доимий | Иқтисод буйича директор, ҳуқуқшунос | Қархона тамонидан Июль ойида 40 та Фермер хужаликлари Жами; 243 млн сумлик дебитор қарздорлик ҚР иқтисодиёт судига даво аризалар ҳисобидан киритилди. |
| Фойдаланилмай келинаётган ишлаб чиқариш цехлари ва биноларини консервация қилиш | Мавсумий дон қабул қилиш масканларига қабул қилинган дон партияларини доимий саклаш ва элеватор сиғимларига ортиб жунатиш ва "ноль"га тозаланган шахобчаларни, уруғлик тайёрлаш цехларини ҳамда бошқа фойдаланилмай турган ишлаб чиқариш цехлари ва биноларини ишлатилмайдиган даврда консервация қилиб солиқ имтиёзларидан фойдаланиш. Консервацияга тушадиган объектти аниқлаб хужжатларини таерлаш. | Доимий | Қорхона раҳбари, Ишлаб чиқариш буйича директор, Иқтисод буйича директор, бош ҳисобчи, ҳуқуқшунос | Консервацияга тушадиган объектти аниқлаб хужжатларини таерлаш ишлари буйича топширик берилган. |
| Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг калькуляция қайта куриб чиқиш. | Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари буйича мавжуд маҳсулотлар калькуляциясини қайта куриб чиқиб, уларни қисқартириш чораларини куриш. Аниқ асосланган фактлар асосида маҳсулот таннархининг янги калькуляциясини компанияга тақдим этиш. | | Иқтисод буйича директор, бош ҳисобчи | Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг калькуляция қайта куриб чиқиб таннархини қамайтириш |

| Амалга ошириладиган чоралар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Бажарилган ишлар |
|--|---|--------------|--|--|
| <p>ИС дастури имкониятларидан тула конли фойдаланиш.</p> | <p>ИС дастурида корхоналарнинг эҳтиёжидан ошикча, фойдаланилмасданг турган товар моддий бойликлар буйича маълумотлар базасини шакллантириш.</p> | <p>Июнь</p> | <p>Иқтисод буйича директор, бош ҳисобчи, АКТ мутахассиси</p> | <p>Белгиланган. ИС дастури имкониятларида тула конли фойдаланиш йулга қуйилган</p> |

III. Ишлаб чиқариш жараёнларини мувофиқлаштириш.

| | | | | |
|---|---|-------------|--|--|
| <p>Ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш</p> | <p>Корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнларини тулик урганиб чиқиш. Урганиш натижаларига кура:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ишлаб чиқариш ускуна ва жиҳозларини инвентаризациядан утказиш; - ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, фаолият олиб бораётган цехларни техник ҳолатидан келиб чиқиб тоифаларга ажратиш <i>(ишга туширилган вақтига қараб ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициентларини белгилаш, яъни 100, 95, 90, 80, 70 ва 60 фоизгача)</i>; - электр-энергия сарф харажатлари истеъмолини қисқартириш мақсадида элеватордан тегирмонга дон олиш ва омухта ем цехларининг иш жадвалини тигиз булмаган вақтларда режалаштириш; - ҳар бир ишлаб чиқариш цехлари учун алоҳида энергия ҳисоблагичларини ўрнатиш ва меъёр белгилаш; - ишлаб чиқариш ҳажмларидан келиб чиқиб сменалар сонини қисқартириш. - омухта ем цехларининг технологик схемаларини қайта куриб чиқиш ва қайта тасдиқлаш. | <p>Июнь</p> | <p>Ишлаб чиқариш буйича директор, бош механик, бош технолог, бош энергетик, цех бошлиқлари</p> | <p>Инвентаризациядан утказилди Буйрук №78-п 02.12.2019 й. -Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэфф 90% булди. - электр-энергия сарф харажатлари истеъмолини қисқартириш мақсадида графиклар тузилган. -Энергия ҳисоблагичларни цехларда алоҳида ўрнатиш илажлар ишлонмақда ва №027524 Шартнома . BIO GRANT NORMA билан 18,4 млн сумга тузилган -Технологик схемалар қайта куриб чиқиб тасдиқланган.</p> |
|---|---|-------------|--|--|

| Амалга ошириладиган чоралар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Бажарилган ишлар |
|--|---|---------------|---|---|
| <p>Хом ашёлардан самарали фойдаланиш</p> | <p>Корхоннинг элеваторларида донни сақлаш ва тегирмонга беришга тайёрлашда ажратиб олинadиган оралик маҳсулотларининг миқдорининг 3,8% ошиб кетмаслик чораларини куриш.</p> <p>Тайёр маҳсулот чиқишини купайтиришга эришиш, қайта ишлаш жараёнидаги механик 0,68% сум йукотишларни камайитиш мақсадида:</p> <ul style="list-style-type: none"> - тегирмонда оралик маҳсулотларни (кепак ва дон чиқиндилари) чиқишини назорат қилиш; - тегирмонда қайта ишланаётган донга талаб даражасида гидротермик ишлов бериш; - дон янчиш дастгоҳлари валларининг самарадорлигини ошириш; - технологик жараёндаги барча дастгоҳларни тулиқ ва самарали ишлашини таъминлаш; - омухта ем учун қушимча хом ашё сотиб олиш ва тула рацционли омухта ем ишлаб чиқаришни йулга қуйиш <p>Тахлилий натижалар асосида ишлаб чиқаришни оптималлаштириш буйича белгиланган вазифаларни ва уларнинг натижалари туғрисидаги аниқ, сонлар билан асосланган маълумотларни ҳар ой якуни билан “Уздонмаҳсулот” АКга тақдим этиб бориш.</p> | <p>Доимий</p> | <p>Ишлаб чиқариш буйича директор, лаборатория мудири, бош технолог, бош механик, цех бошликлари</p> | <p>Тахлилий натижалар асосида ишлаб чиқаришни оптималлаштириш буйича белгиланган вазифаларни ва уларнинг натижалари туғрисидаги аниқ, сонлар билан асосланган маълумотларни ҳар ой якуни билан “Уздонмаҳсулот” АКга тақдим этиб келмоқда.</p> |

IV. Инвестиция ва янги технологияларни жорий этиш.

| | | | | |
|---|---|---------------------------------------|---|---|
| <p>“Манзилли дастури”га киритилган лойиҳаларни оптималлаштириш</p> | <p>2020 йил учун тасдиқланган “Манзилли дастури”ни қайтадан куриб чиқиш орқали олиб борилаётган курилиш ишларини мақбуллаштириш ҳамда ортикча сарф харажатларга йул қуймаслик буйича аниқ тақлифлар ишлаб чиқиб Компанияга киритиш. 2020-йил учун Манзилли дастурга киритилмаган.</p> | <p>Июль</p> | <p>Корхона раҳбари, Ишлаб чиқариш буйича директор, Иқтисод буйича директор, бош иктисодчи</p> | <p>2020-йил учун Манзилли дастурга киритилмаган.</p> |
| <p>Электр энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида ишлаб чиқариш цехларида электр энергиясини туғри ва меъёрий сафланишини таъминлаш чораларини</p> | <p>Корхонада:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ишлаб чиқариш цехларини электр ҳисоблагичлар билан таъминлаш ва руйхатини шакллантириш; - барча электр ҳисоблагичлар буйича ягона “Онлайн” тизимини яратиш учун тегишли мутахассисларни жалб қилиш ва дастурий таъминотини яратиш. - сарфланаётган электр энергияси буйича ҳисоботларни “Онлайн” дастури ёрдамида мониторинг қилишни йулга қуйиш. | <p>10 июль 20 июль 5 июль</p> | <p>Ишлаб чиқариш буйича директор, бош энергетик</p> | <p>- ишлаб чиқариш цехларини электр ҳисоблагичлар билан таъминлаш буйича руйхат тузилган; - барча электр ҳисоблагичлар буйича ягона “Онлайн” тизимини яратиш учун</p> |

| Амалга ошириладиган чоралар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Бажарилган ишлар |
|---|--|--------------|---|---|
| куриш | | | | тегишли мутахассислар жалб килинган. сарфланаётган электр энергияси буйича ҳисоботларни “Онлайн” дастури ёрдамида мониторинг килишни йулга қўйилган. |
| Ўқилғи ва энергия манбаларини тежаш | Ишлаб чиқариш ускуналарни ҳаддан ташқари электр энергия кучланишига йул қуймаслик. | Доимий | Ишлаб чиқариш буйича директор, бош энергетик | Ишлаб чиқариш ускуналарни ҳаддан ташқари электр энергия кучланишига йул қуймаслик буйича чора тадбирлар ишланган. |
| V. Дон қабул қилиш ва сақлаш жараёнларини такомиллаштириш. | | | | |
| Табиий камайиш миқдорини ошиб кетмаслигини таъминлаш. | Корхона ва шахобчаларга қабул қилинган дон партияларининг табиий камайиш миқдорининг ошиб кетмаслик чораларини куриш. Бунинг учун: - моддий-техника базасини доимий шай ҳолда сақлаш учун харажатларни камайтириш; - донни сифатли қабул қилиш мақсадида курилгандан кейин ғарамлаш ва омборларга киритиш; - сақланиш жараёнида дон хароратини мунтазам назорат қилиб туриш ва зарур ҳолларда шамоллатиб турилишини таъминлаш; - янги курилаётган омборлар ва айвонларнинг фаол вентиляция тизими билан жиҳозланган тарзда курилишини таъминлаш, - қабул қилинган донни сақлаш харажатларини табиий ва механик йуқотишларни ҳамда ортикча харажатларни камайтириш буйича таклифларни ишлаб чиқиш. | Доимий | Корхона раҳбари, Ишлаб чиқариш буйича директор, лаборатория мудири, бош технолог, цех бошлиқлари, шахобча ва омбор мудирилари | Табиий камайиш миқдорини ошиб кетмаслигини таъминлаш юзасидан ихтиёт чоралари курилган моддий жабовгар шахсларга юклатилган. |
| Дон партияларини бошқа моддий жавобгар шахсга асоссиз утказилишига чек қуйиш. | Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сонли қарори талабларини бузмаган ҳолда бир моддий жавобгар шахс зиммасидаги дон партияларини бошқа бир моддий жавобгар шахсга асоссиз утказилишига чек қуйиш ва бу билан дон партияларининг айланма ҳаракати миқдорининг сунъий оширилишига йул қуймаслик. | Доимий | Ишлаб чиқариш буйича директор, лаборатория мудири, шахобча ва омбор | Бундай ҳалотлар булмаган. |

| Амалга ошириладиган чоралар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Бажарилган ишлар |
|-----------------------------|-------------------------|--------------|------------------|------------------|
| | | | мудирлари | |

VI. Корхонанинг автотранспорт харажатларини қисқартириш.

| | | | | |
|--|--|--------|--|---|
| Темир йул мавжуд филиал ва шахобчалардаги донни темир йул вагонларида ташиш. | Темир йул мавжуд филиал ва шахобчалардаги донни корхоналарга Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сонли қарорига асосан темир йул вагонларида ташишни ташкил этиш. | Доимий | Корхона раҳбари, Иқтисод буйи директор, лаборатория мудир | Темир йул мавжуд филиал ва шахобчалардаги донни темир йул вагонларида ташиш ишлари йулга қуйилган. |
| Донни ташишда ортиқча транспорт харажатларига йул қуймаслик | <p>Донни ташишда биринчи навбатда корхонанинг мавжуд юк автомобилларидан оқилона фойдаланиш, қушимча талаб этилганда Молия вазирлиги ва Транспорт вазирлиги томонидан тасдиқланган “Автомобиль траспорти ва прицеппи тракторларда донни ташиш учун чекланган тарифлар”дан ошмаган ҳолда автотранспорт корхоналаридан 35 донга юк ташиш автомашиналари жалб этишда 1900 млн сум харажат сарфлаш.</p> <p>Донни қабул қилиш корхоналарини дислокациясини оптималлаштириш орқали дон ва бошқа хом ашё маҳсулотлари ташиш харажатларини камайтириш.</p> <p>Корхонанинг уз автомашиналаридан ва юклагичларидан унумли фойдаланиш орқали бошқа четдан келадиган ташкилотлар томонидан бажариладиган ишлар ҳажмини камайтириш.</p> | Доимий | Корхона раҳбари, Ишлаб чиқариш ва Иқтисод буйича директорлар бош иқтисодчи, бош ҳисобчи, транспорт булими бошлиқлари | Донни ташишда ортиқча транспорт харажатларига йул қуймаслик учун меъёрларда белгиланган тарифларда туланиши назоратга олинган |

VII. Корхонага рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш.

| | | | | |
|--|--|---------|---|--|
| Агроонлайн ва Ғалла дастурини тулиқ ишлатишни таъминлаш. | <p>Бунда:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Агроонлайн дастурининг 1С дастурига фермер хужалиқлари ИНН; МФО, ҳисоб рақамлари ва етиштирган ҳосили учун туланадиган сумма миқдорини тулиқ интеграция қилинганлигини назорат қилиб бориш; - Ғалла дастурида электрон тарозилар дастури орқали қабул қилинган ғалла ҳосили миқдорини тарози китобига мослиги ҳамда 1С дастурига интеграция қилинганини текшириш. | Август | Иқтисод буйича директор, бош ҳисобчи, АКТ мутахассиси | Агроонлайн ва Ғалла дастурини тулиқ ишлатишни таъминланган тулиқ назорат олиб бориш ишлари ташкил этилган. |
| Идоравий ҳарбийлаштирилган куриклаш хизмати фолиятини такомиллаштириш. | <p>Белгиланган Йуриқнома талабларига асосан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - объектларда куриклашни ташкил қилиш буйича “Контрольно – охранных групп” гуруҳини ташкил қилиш. - объектларни тулиқ кузатув камералари билан жиҳозлаш; - куриклаш ходимлари сонини ҳудудий идоралараро комиссиясининг (МВК) ҳулосасига асосан қисқартириш. | Декабрь | Корхона раҳбари, қоровуллар бошлиғи | - объектларда куриклашни ташкил қилиш буйича “Контрольно охранных групп” гуруҳини ташкил қилишда ҳар ой давомида |

| Амалга ошириладиган чоралар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар | Бажарилган ишлар |
|--|---|--------------|--|--|
| | | | | график жадвали тасдиқланган ва ИХКХ томонидан хар кунлик текшариш ишлари йулга куйилган. - объектлар тулик кузатув камералари билан жиҳозланган; |
| VIII. 2020 йил учун мулжалланган “Бизнес режа”ни такомиллаштириш | | | | |
| Корхонанинг 2020 йил учун мулжалланган “Бизнес режа” курсаткичларини қайтадан куриб чиқиш. | Бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш ва сақлаш харажатларини қисқартириш, зарур булмаган мақсадсиз лойиҳаларни амалга оширмаслик, ортқча эҳтиёт қисмларни харид қилмаслик, транспорт харажатларини оптималлаштириш орқали “Бизнес режа” курсаткичларни қайтадан куриб чиқиб, Кузатув кенгашига тақдим этиш. | Июль | Кузатув кенгаши, корхона раҳбари, бош иқтисодчи, бош ҳисобчи | Корхонанинг 2020 йил учун мулжалланган “Бизнес режа” курсаткичларининг харажатларини 5-7% қисқартириб қайтадан куриб чиқилиб Кузатув кенгашига тақдим этилган. |

2016 йилдан 1-январдан бошлаб, жамиятда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28-июлдаги «Давлат улуши булган акциядорлик жамиятлари ва бошқа ҳужалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тугрисида»ги №207-сонли қарори буйича фаолият самарадорлигини баҳолаш буйича мезонлар жорий этилди.

Самарадорликни баҳолаш мезонлари белгиланган даврийлик буйича ҳисобланадиган самарадорликнинг муҳим курсаткичларини уз ичига олади.

Самарадорликнинг муҳим курсаткичлари (кейинги уринларда СМК деб аталади) ташилотларнинг ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини аниқлаш учун фойдаланиладиган баҳолаш мезонларининг микдорий улчовидан иборат булади.

Самарадорликнинг муҳим курсаткичлари фаолиятининг иқтисодий, энергетика, ишлаб чиқариш, инновацион самарадорлиги курсаткичларини ва самарадорликнинг бошқа курсаткичларини уз ичига олиши мумкин.

Самарадорликнинг муҳим курсаткичлари рўйхати ташилотининг ваколати бошқарув органи булган кузатув кенгаши, у мавжуд булмаганда эса-юқори бошқарув

органи (хужалик жамиятлари учун) ёки муассис (давлат корхоналари учун) қарори билан тасдиқланади.

Самарадорликнинг муҳим курсаткичларини ҳисоблашнинг даврийлиги ҳар чоракдан иборат бўлади ва ташиқлотнинг ваколатли бошқарув қарори билан белгиланади.

Баҳолаш мақсади учун ҳар бир самарадорлик муҳим курсаткичига унинг ташиқлот учун аҳамиятини ақс эттирувчи салмоқ улчови белгиланади. Жамиятга нисбатан татбиқ этиладиган барча самарадорликнинг муҳим курсаткичлари салмоқ улчовлари жами 100 фоизни ташиқил қилади.

Самарадорлик муҳим курсаткичларининг прогнози (мақсадли) курсаткичлари ҳар бир давр учун бизнес-режада, унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган алоҳида илова сифатида ақс эттирилади.

Самарадорлик муҳим курсаткичлари прогнози (мақсадли) курсаткичлари ташиқлотнинг ваколатли бошқарув органи томонидан қонунчиликда белгиланган меъёрий миқдорда (агар курсаткичлар учун қонунчиликда меъёрий миқдор белгиланган бўлса) паст бўлмаган даражада белгиланади.

Агар қонунчиликда курсаткичлар учун меъёрий миқдор назарда тутилмаган бўлса, прогноз (мақсадли) курсаткичнинг аниқлаши учун бошқа ташиқлот (консультант) жалб этилиши мумкин.

Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи навбатдаги чорак тугагандан сунг самарадорлик муҳим курсаткичларининг прогнози (мақсадли) курсаткичларига тузатиш киритиши мумкин.

Агар самарадорлик муҳим курсаткичларининг прогнози (мақсадли) курсаткичига тузатиш киритиш илғари амалга оширилган туловларни қайта ҳисоблашга зарурат тугдирса, у ҳолда бундай қайта ҳисоблаш учун Низомда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Ҳисоблаш йули билан олинган самарадорлик муҳим курсаткичлар миқдорлари уларнинг бизнес-режада белгиланган прогнози (мақсадли) миқдорлари билан ҳисобланган ва мақсадли миқдорнинг фоизли нисбати тарзида (кейинги уринларда бажариш фоизи деб аталади) таққосланади.

Барча самарадорлик муҳим курсаткич буйича уртача ҳисобланган миқдор жамиятнинг ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигининг йигинди курсаткичи (кейинги уринларда самарадорлик йигинди курсаткичи деб аталади) сифатида ифодаланади.

Жорий даврда ижро этувчи орган раҳбари ва аъзоларини муқофатлаш миқдори бизнес-режада назарда тутилган ижро этувчи органнинг моддий рағбатлантириш пули миқдорини самарадорлик йигинди курсаткичига қупайтириш йули билан аниқланади. Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи қарорига биноан ижро этувчи органнинг ташиқлот фаолияти натижаларини шакллантиришдаги ҳақиқий иштирокидан қелиб қикиб, тузатиш қоэффициенти қулланиши мумкин.

Агар самарадорлик йигинди _____
самарадорлик муҳим курсаткичларининг _____

курсаткичдан) ошса, ташилотнинг ваколатли бошқарув органи қарорига асосан ижро этувчи орган раҳбари ва аъзоларини мукофотлаш миқдори бизнес-режада назарда тутилган мукофотлаш миқдorigа нисбатан икки баробар оширилиши мумкин.

Агар самарадорлик муҳим курсаткичнинг ҳақиқий миқдори қонунчиликда белгиланган меъёрий миқдордан паст бўлса, ташилотнинг ваколатли бошқарув органи қарорига асосан ижро этувчи орган раҳбарига нисбатан қонунчиликка мувофиқ жавобгарлик чоралари қўрилади.

Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи қарорига асосан ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги қуйидагича эътироф этилади:

Самарадорлик муҳим курсаткичи миқдори 40 фоиздан кам бўлса-қониқарсиз;

Самарадорлик муҳим курсаткичи миқдори 40 фоиздан 60 (ушбу даража ҳам қиради) фоизгача бўлса –паст даражада;

Самарадорлик муҳим курсаткичи миқдори 60 фоиздан 80 (ушбу даража ҳам қиради) фоизгача бўлса- етарли даражада эмас;

Самарадорлик муҳим курсаткичи миқдори 80 фоиздан 90 (ушбу даража ҳам қиради) фоизгача бўлса – урта даражада;

Самарадорлик муҳим курсаткичи миқдори 90 фоиздан 100 (ушбу даража ҳам қиради) фоизгача бўлса – етарли даражада;

Самарадорлик муҳим курсаткичи миқдори 100 фоиздан ошса-юқори даражада;

Жамиятларда ижро этувчи орган фаолияти самарадорлигини баҳоламасдан ёки уларнинг фаолияти қониқарсиз ёки паст даражада деб эътироф этилган тақдирда устамалар белгилашга, мукофот пули ва бошқа моддий рағбатлантиришлар тулашга йўл қўйилмайди.

Ижро этувчи органнинг самарадорлиги кетма-кет икки чорак мобайнида қониқарсиз ёки паст даражада (ҳар қандай уйғунликда) бўлса, бу ижро этувчи орган раҳбари билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ташаббуси билан чиқишга олиб келади.

Бизнес-режа доимий ҳужжат бўлиб, мунтазам янгилаб борилади, унга ҳам қорхонанинг ичида, ҳам умуман иқтисодиётдаги шароитларга қараб руй берган ўзгартиришлар киритилади.

Бизнес –режа жамият тараққиётининг умумий концепциясига асосланган бўлиб, ривожланиш стратегиясининг иқтисодий ва молиявий жиҳатларини бир мунча

батафсил баён этади, аниқ чора-тадбирларни техник-иқтисодий жихатдан асослаб беради. У стратегиясини амалга ошириш техник, таъкилий ва иқтисодий узгаришларнинг маълум вақтгача узаро маҳкам боғланган бутун бир тизими сифатида тузилган кенг инвестиция дастурларига асосланади.

Бизнес-режа одатда бир неча йил ичида амалга ошириши керак булган ишларнинг бир қисмини уз ичига олади.

Ушбу бизнес-режа **Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тугрисида»ги 2015йил 24-апрелдаги ПФ-4720 сонли фармони ва 2015 йил 28-апрелдаги «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва ахамиятини ошириш чора-тадбирлари тугрисида»ги ПК-2340сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилган ишлар буйича «Тахياتош дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг 2021-йилга мулжалланган инвестиция дастури, уни амалга ошириш манбалари келтирилган булиб, охириги хотима булимида йил давомида амалга ошириладиган чора-тадбирларни самарадорлиги ҳақида суз юритилади.**

Жамиятнинг 2021-йилга мулжалланган иқтисодий ва молиявий режа курсаткичлари, маркетинг, ишлаб чиқаришни хом ашё, материаллар ва энергия ресурслари билан таъминлаш, жамият бошқарув органлари, кадрлар сиёсати, иш ҳақи курсатилган.

2.КОРХОНА ПАСПОРТИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИ ВА МУЛКНИНГ ТАКСИМОТИ ТУГРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР.

«Тахياتош дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти **Караколпоғистон Республикаси Тахياتош тумани Амударья кучаси №5-уйда жойлашган .**

Банк реквизитлари: АТБ «Агробанк»нинг ҚР Хожсейли тумани филиали ҳисоб рақами 20208000200669442001 МФО: 00602, ИНН 200366496 ТХШ-1150, МШ-144, МХОБТ-1735236505, КТУТ-055884359, ХТУТ-19211

Телефон: (61)572-22-56,572-21-69

«Тахياتош дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти ҚР Давлат Мулк Қумитасининг 1995 йил 1-июньдаги № 1 - сонли буйруғига асосан акциядорлик жамиятига айлантирилган.

ҚР Қанлыкол тумани ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини руйхатдан утказиш инспекцияси томонидан 2014- йил 16-октябрда 0001749 реестр тартиби билан қайта руйхатдан утказилиб № 2570-сонли гувоҳнома берилган.

Жамият таркибидаги дон маҳсулотлари қабул қилиш, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш шахобчалари республикамизнинг қуйидаги шаҳар ва туманларида жойлашган:

І. Қанлы кол тумани Қарабайлы гуруч филиали қабул қилиш шахобчаси 2021 йил ҳосилидан.

- | | |
|-------------------------------|-----------------|
| 1. Дон қабул қилиш хажми – | 10000 тонна |
| Шу жумладан : Товар дон - | 8700 тонна |
| Уруғлик дон – | 1300 тонна |
| Шоли | 3000 тонна |
| 2. Гуруч ишлаб чиқариш цехи - | 50 тн / суткада |

II. Хожсейли тумани Хожсейли гуруч филиали қабул қилиш шахобчаси.

- | | |
|-------------------------------|-----------------|
| 1. Дон қабул қилиш хажми – | 10000 тонна |
| Шу жумладан : Товар дон - | 8600 тонна |
| Уруғлик дон – | 186 тонна |
| Шоли | 3000 тонна |
| 2. Гуруч ишлаб чиқариш цехи - | 50 тн / суткада |

III. Амударья тумани Мангит филиали қабул қилиш шахобчаси

- | | |
|---------------------------------|-----------------|
| 1. Дон қабул қилиш хажми – | 7000 тонна |
| Шу жумладан : Товар дон - | 6500 тонна |
| Уруғлик дон – | 1400 тонна |
| 2. Уруғлик ишлаб чиқариш цехи - | 50 тн / суткада |

- | | |
|-----------------------------------|----------|
| 4. Жами ишчи ходимлар сони - | 372 киши |
| Шу жумладан . аппарат ходимлари - | 12 киши |

«Таҳиатош дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти 2021-йилда уз «Низом»ида курсатилган фаолиятни амалга оширишни қуйидагича белгилайди:

- Узбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида фаолият курсатиб;
- Караколноғистон Республкаси аҳолисини ун, гуруч ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш, чорвачиликни омухта ем шу билан биргаликда фермер хужаликларни уруғлик дон билан таъминлашни;
- Ишлаб чиқаришни доимий ривожлантириш мақсадида илмий – техник, иктисодий асосланган холда технологик қайта қуроллантиришни амалга оширишни;
- Дон ва дон маҳсулотларини, бошқа кишлоқ хужалик маҳсулотларини сотиб олишни, уларни давлат эҳтиёжига, шунингдек бошқа истеъмолчиларнинг буюртмасига асосланиб қайта ишлаб беришни уз зиммасига олади.
- Шунингдек, амалдаги қонунлар билан таъқиқланмаган фаолият натижасида даромад олиш, акциядорлар ва меҳнат жамоаси аъзоларининг моддий ва ижтимоий эҳтиёжларини таъминлашни ташиқил этади.

II. Ташкилий ва ишлаб чиқариш тизими.

Жамият фаолиятини Бошқариш Корпоратив бошқарув асосида амалга оширилади. Корпоратив бошқарув акциядорлик жамиятини бошқаришнинг олий даражадаги тизимидир. Яъни, жамият ижроия органи, кузатув кенгаши, акциядорлар ва бошқа манфаатдор жисмоний ёки юридик шахслар билан узаро манфаатлар тизимини узига камраб олади.

Пировард натижада жамиятнинг барча бугинларида алоқадор шахсларнинг манфаатларини инобатга олиб, ҳаракатдаги қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда жамиятнинг барча фаолият турларидан максимал даромад олишни таъминлайди.

Корпоратив бошқарувнинг ютуғи шундан иборат буладики, ҳамма ва ҳар бир ходимнинг бошқарувда узаро ҳамжихатлик билан ишга ҳаққоний ёндашувидан иборат. Жавобгарлиги қучли булган, ёркин ва муҳим қийматга мулжалланган корпоратив бошқарувни ташиқил этиши инвесторлар, бизнес буйича ҳамкорлар, ходимлар ва жамият аъзоларининг узаро ишончини яратади.

Жамиятни бошқаришда биринчи навбатда чет эл менежерларини жалб этиши ва шунингдек маҳаллий юқори малакали менежерларни тайёрлаш ва уларни жамият фаолиятини бошқаришга жалб этиши лозим.

Менежерлар ва директорлар юқори натижаларга эришиши учун тенг ҳуқуқли жавобгардирлар.

Бошқарув раиси ҳаракатдаги қонунлар доирасида бошқарув органлари қарорларини ижро этиши шарт

Коллегиал Ижроия Органи – Бошқарув хайъати томонидан, функционал департамент структураси, яъни фаолиятнинг барча соҳалари буйича чегараланган мажбуриятларни жамият бошқарув раиси, ижрочи директорлар, бошқарув аъзолари, шахобча мудирлари, булимларга юқлатиш асосида ташиқил этади.

Жамиятда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот турларини қўнсайтириш мақсадида:

Қўнлик қуввати 150 тонналик омухта ем цехини модернизация қилиш ишларга 9 млрд 400 млн сумлик харажатлар ишлатилади;

Ҳисобот йилида 1 млрд 800 млн сумлик Асосий воситаларга талаб усқуна ва жиҳозлар сотиб олинади.

«Тахياتош дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тугрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2004-йил 6-августдаги 376-сонли Қарори, «Объектларни хусусийлаштириш чора-тадбири режаси»га ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Қарақўлтўқстон Республикаси ҳудудий бошқармасининг 1995 йил 12 октябраги 74-сонли буйруғига асосан «Ўздонмаҳсулот» Давлат қўпорациясига қарашли Тахياتош дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмасини очик турдаги акциядорлик жамиятига айлантириш (хусусийлаштириш) йули билан ташиқил этилган булиб унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

«Тахياتош дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг устав фонди

1 миллиард 504 миллион 858 минг сумни ташкил этади. Хозирги кунда бир дона акциянинг номинал киймати 1000 сумлик булган 1 миллион 504 минг 58 дона акция чикарилган

Эмиссия рисоласи буйича акциялар куйидаги тартибда таксимланади:

Жами низом жамгармаси – 100 % = 1 504858 м.с 1 504 858 дона акция
 а) «Уздонмахсулот» АК улуши – 91,07 % = 1 370 474 м.с 1370474 дона акция

б) Мехнат жамоаси ва юридик шахсларнинг жойлашган акциялари улуши - 4,2 %
 = 63 263 м.с 63263 дона акция

в) Захирадаги акциялар улуши-71173 дона акция

Акцияларга дивидендлар тулаш учун ажратиладиган маблаглар микдори куйидагича;

2020- йил якуни буйича жамиятнинг соф фойдаси жами 1 млрд 095 млн 243 минг сумликни ташкил этди. Утказилган акциядорларнинг умумий йиғилиши карори билан 70 фоиз кисмини, яъни 766670 минг сумини ишлаб чикаришни ривожлантиришга, 5 фоизини резерв фондига яъни 54762 минг суми ажратилди, 1 (бир) дона акция учун 7278 сум 04 тийиндан диведент хисобланди

Ш.ИШЛАБ ЧИКАРИШ ТУГРИСИДА

“Тахياتош дон махсулотлари” акциядорлик жамиятининг 2021- йилларда буладиган саноат махсулотлари ишлаб чикариш махсулотлари ишлаб чикариш

РЕЖАСИ

| Махсулот турлари | Улчов. бирлиги | 2021 йил режа | шу жумладан чораклар буйича | | | |
|-----------------------|-------------------|------------------|-----------------------------|----------|----------|----------|
| | | | I | II | III | IV |
| ЖАМИЯТ БУЙИЧА | | | | | | |
| Махсулот и/ч хажми | минг с | 125343594 | 24873199 | 24873199 | 29327370 | 46269827 |
| Йил бош. такк. нарх | минг с | 122084661 | 30521165 | 30521165 | 30521165 | 30521165 |
| Халк истеъмол моллари | минг с | 114062671 | 28515668 | 28515668 | 28515668 | 28515668 |
| Ун 1 навли | тн | 36936 | 9234 | 9234 | 9234 | 9234 |
| Кепак | тн | 8492 | 2123 | 2123 | 2123 | 2123 |
| Омухта ем | тн | 16800 | 4200 | 4200 | 4200 | 4200 |
| Гуруч | тн | 3000 | 0 | 0 | 0 | 300 |
| Майдаланган гурч | | 507 | 0 | 0 | 0 | 507 |
| Уруглик дон | тн | 3000 | 0 | 0 | 1500 | 1500 |

Карабайлы ДМККШ

| | | | | | | |
|---------------------|--------|----------|--|--|---------|---------|
| Уруглик дон | тн | 1300 | | | 650 | 650 |
| Гуруч | тн | 1500 | | | 750 | 750 |
| Майдаланган гурч | тн | 254 | | | 127 | 127 |
| Махсулот и/ч хажми | минг с | 17882888 | | | 8941444 | 8941444 |
| Йил бош. Такк. Нарх | минг с | 17417933 | | | 8708966 | 8708966 |

@ Хожейли ДМККШ

| | | | | | | |
|---------------------|--------|----------|--|--|---------|---------|
| Уруглик дон | тн | 1300 | | | 650 | 650 |
| Гуруч | тн | 1500 | | | 750 | 750 |
| Майдаланган гурч | тн | 253 | | | 127 | 127 |
| Махсулот и/ч хажми | минг с | 18218279 | | | 9109140 | 9109140 |
| Йил бош. Такк. Нарх | минг с | 17744604 | | | 8872302 | 8872302 |

(a) Мангит ДМККШ

| | | | | | | |
|---------------------|--------|---------|--|--|---------|---------|
| Уруглик дон | тн | 1400 | | | 700 | 700 |
| Махсулот и/ч хажми | минг с | 2390405 | | | 1195202 | 1195202 |
| Йил бош. Такк. Нарх | минг с | 2328254 | | | 1164127 | 1164127 |

@

Ж А М И Уруглик цехи буйича

| | | | | | | |
|---------------------|--------|---------|---|--|---------|---------|
| Уруглик дон | тн | 3000 | 0 | | 1500 | 1500 |
| Махсулот и/ч хажми | минг с | 5122296 | 0 | | 2561148 | 2561148 |
| Йил бош. Такк. Нарх | минг с | 4989116 | 0 | | 2494558 | 2494558 |

Ж А М И Ун тегирмони буйича

| | | | | | | |
|-----------------------|--------|----------|----------|----------|----------|----------|
| Ун 1 навли | тн | 36936 | 9234 | 9234 | 9234 | 9234 |
| Ун кепаги | тн | 8492 | 2123 | 2123 | 2123 | 2123 |
| Омухта ем | тн | 16800 | 4200 | 4200 | 4200 | 4200 |
| Махсулот и/ч хажми | минг с | 99492796 | 24873199 | 24873199 | 24873199 | 24873199 |
| Йил бош. Такк. Нарх | минг с | 96905983 | 24226496 | 24226496 | 24226496 | 24226496 |
| Халк истеъмол моллари | минг с | 91234894 | 22808723 | 22808723 | 22808723 | 22808723 |

2021- йилда Контрактация шартномаларига асосан фермер хужаликларидан дон кабул килиш режаси

| | | | | |
|----------|----------------------|---------------|--------------|--------------------|
| № | Туманлар номи | Фермер | Кабул | Шу жумладан |
|----------|----------------------|---------------|--------------|--------------------|

| | | хужаликлар сони | килинадиган дон хажми тн | Товар дон | Уруглик дон |
|---|-----------------|--------------------|--------------------------------|--------------|----------------|
| 1 | Амударе тумани | 326 | 5015 | 4065 | 950 |
| 2 | Тахиатош тумани | 37 | 1115 | 890 | 225 |
| 3 | Хожейли тумани | 140 | 3290 | 2630 | 600 |
| 4 | Шуманай тумани | 116 | 3155 | 2154 | 902 |
| 5 | Конликул тумани | 65 | 1886 | 1563 | 323 |
| | Жами: | 684 | 14462 | 11302 | 3000 |

Юкоридаги жадвалдан куриниб турибдики, кабул килинадиган бугдой хом ашёси тегирмон буйича ишлаб чикариши режасига етарли даражада, кабул килинадиган уруглик бугдой ишлаб чикариши куввати 75 % га етарли.

Ишлаб чикариладиган нон ва нон махсулотлари учун жамият узи ишлаб чикарган ундан фойдаланади. Ишлаб чикариладиган озука аралашмалари учун жамиятда ишлаб чикариладиган кепак ва дон чикиндилари асосий хом ашё булиб хисобланади.

Бундан ташкари бошка корхоналар ва аҳолидан кабул килинадиган арпа, озука охаги ва кунжаралардан фойдаланилади

IV. 2021- ЙИЛДА МАХСУЛОТ ИШЛАБ ЧИКАРИШ ХАЖМИ ТУГРИСИДА МАЪЛУМОТ.

Ун, омукта ем, нон ва нон махсулотлари ишлаб чикариши «Уздонмахсулот» АК томонидан ойма-ой бериладиган бирлаштирилган топширикка асосан режаслаштирилади.

1. Жамиятда 2021- йилда 51917 тонна бугдойни кайта ишлашдан 36936 тонна 1 навли ун ишлаб чикариб, махаллий аҳолига, ишлаб чикариши ва сотиши режаслаштирилмокда.

2021- йилда ишлаб чикариладиган махсулотлар турлари ва микдорлари куйидагича: 1 навли ун 36936 тонна, 8492 тонна кепак, омукта ем ишлаб чикариши 16800 тонна, уруглик бугдой 3000 тонна, 3000 тонна гуруч, 507 тонна майдаланган гуруч, махаллий истеъмолчиларга биржа оркали сотиши режаслаштирилмокда.

V.МАРКЕТИНГ

